O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 1 июнь, чоршанба • № 44 (11.743) • Эркин нархда сотилади

*«Баркамол авлод — 2005»*

## ҲУРЛИК ҚУЁШИДЕК ПОРЛАР ТО АБАД



**Машъала сўнмоқда — ёқилган олов,**
**Лекин ёниқ қолди дил машъаласи.**
**Ҳурлик қуёшидек порлар то абад,**
**Баркамол авлоднинг кўнгил қалъаси.**

Вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳрида қарийб бир ҳафта давом этган, камолот ва гўзаллик байрами ҳисобланган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Муқаддас Ватанимизнинг минглаб ёшларини дўстликка, бирдамликка бошлаган, баланд чўққилар, юксак марралар сари чорлаган, ёшлар кўнглида она-Ватанга, эл-юртга муҳаббат, садоқат каби улуғвор туйғуларни тоблаган, оташин юракларни жилолантирган нуфузли спорт мусобақаларининг машъаласи сўнган бўлсада, ундан аланга олган минглаб ёш қалблардаги чўғ мангу сўнмас юлдуз каби порлаб туриши шубҳасиз.

(Давоми 3-бетда).




*Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*

**Мустақиллик йилларида ёш авлодга муносабат тубдан ўзгарди. Жамоат ташкилотлари, мутасадди идоралар бунга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар ҳамкорликда муҳим дастурлар ишлаб чиқиб, амалга оширишмоқда.**

Болаларга ғамхўрлик «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими фаолиятида ҳам ўз ифодасини топаяпти. Уларнинг саломатлигини яхшилаш билан бирга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жумладан, байрам арафасида «Тошкент-Ленд» истироҳат боғига 1300 нафардан зиёд болаларнинг саёҳати уюштирилди. Шу куни Ангрен шаҳри ва Ўртачирчиқ, Бўка туманларидан келган 400 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари мириқиб ҳордиқ чиқардилар. Хусусий тадбиркор Авазбек Мирсоатов болажонларни



## УЛАР ҲАМИША АРДОҒИМИЗДА

ширинлик ва музқаймоқлар билан сийлади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, боғ мутасаддилари ва бошқа ҳомийлар барча шарт-шароитларни яратиб беришди.

Жамғарма ҳамширалари ва фаоллари биргаликда Янгийўлдаги вилоят «Кичкинтой» болалар уйи тарбияланувчиларини тиббий кўрикдан ўтказишди. Уларни байрам билан қутлаб, турли кийим-кечаклар, совға-саломлар тарқатишди.

Болалар ҳар томонлама муҳофаза қилиниб, улар ҳаётда ўз ўринларини топишларига ғамхўрлик кўрсатиш, шунингдек, саломатликларини тиклаш ҳамиша хайрия жамғармамизнинг бош вазифаси бўлиб қолаверади.

**Гулсанам ВАҲОБОВА,**
**«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси.**

## «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ»

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу номдаги янги китоби нашрдан чиқди.**




Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оқсарой қароргоҳида, 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва мухбирларнинг саволларига жавоблари ўрин олган.

Нашрда Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» — китобнинг айнан шундай номланишида теран маъно мужассам. Авваламбор, бу наинки Президентимизнинг, айни чоғда бутун халқимизнинг дилидаги, юрагидаги гап. Андижонда содир этилган нохуш воқеаларга жамоатчилигимиз вакиллари оммавий ахборот воситалари орқали билдираётган фикр-мулоҳазалар буни яққол исботлаётир.

Юртбошимизнинг ушбу китобида баён этилган факт ва далиллар, асосли ҳамда холис мушоҳадалар Андижон воқеалари тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқариш, турли уйдирмаларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўпминг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

**ЎзА.**

*«Пилла — 2005»*

## ҲАР ЙИЛГИДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ

**Вилоятимиз пиллакорларининг қарийб бир ойлик меҳнатлари рўёбга чиқиб, ғалвир сувдан кўтариладиган пайт келди. Шимолий минтақалар, яъни Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларидан ташқари барча ширкат ва фермер хўжаликларида пилла теримига киришилди.**

Бу йил вилоятимизда шартнома бўйича жами 21023 қути ипак қурти 15950 хонадонга тарқатилиб, агротехника қоидалари асосида парвариш қилинди. Бунинг учун аввало, мавжуд барча пиллахоналар керакли асбоб-анжом билан тўла таъминланди, зарур шарт-шароитлар муҳайё этилди. Бундан ташқари вилоят «Пилла» масъулияти чекланган жамияти ҳамда ҳар бир туманда махсус тузилган гуруҳлар жойларда ва бевосита хонадонларда бўлишиб, пиллакорларга зарур маслаҳат ва амалий ёрдам бериб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

*СУРАТДА: «Қаҳрамон» ширкат хўжалигининг илғор пиллакори Мавлуда Бобожонова.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



## ҲАМКОРЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Пойтахт экспорт, экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш марказида Россиянинг “Ўзэмик” корхонасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда мазкур корхона юртимиз тадбиркорлари билан кенг ҳамкорлик юритиш таклифини билдирди.**

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. Юртимизда ҳар икки давлат ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани фикримиз исботидир. Айниқса, нефть-газ, машинасозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш каби соҳалар бўйича алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бироқ, ишга солинмаган имкониятлар ҳам кўп.

Анжуманда резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича нафақат Россия, балки МДҲ давлатларида етакчи ҳисобланган “Ўзэмик” корхонаси фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**«Туркистон-пресс».**

## ТАДБИР ЯКУНЛАНДИ

**Вилоятда «Диққат: Темирйўл кесишмаси» тадбири якунланди.**

Тадбир мобайнида мактаблар, маҳаллалар, автокорхоналарда тарғибот ишлари йўлга қўйилиб, темир йўл кесишмаларида турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасидаги амалий ишлар кучайтирилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари йўл қоидасини четлаб ўтувчи айрим йўловчи ва ҳайдовчилар билан ҳам алоҳида суҳбатлашдилар.

Мутахассислар тадбир самарали ўтганини тасдиқламоқдалар.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### ТАЛАБАЛАР МУЛОҚОТИ

**Чиноз тумани касб-ҳунар коллежида ёшларни огоҳликка чорловчи тадбир бўлиб ўтди.**

Унда бугунги кундаги жаҳон жамоатчилиги олдида турган муҳим муаммо — терроризм, экстремизм, ақидапарастлик каби иллатлар талабалар ўртасида муҳокама этилди, эркин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Иштирокчиларга «Бахтли болаликни асраш», «Фитна», «Огоҳлик» каби фильмлар намойиш этилди.

**Рустам НЕЪМАТОВ.**

## «КЕЙС» ВА «МАГНУМ»ЛАР ЎРИМГА ШАЙ

**Вилоят далаларида қалин бошоқлаган ғалла новвотранг тус олди. Ҳадемай, тўқ бошоқлар олтин рангга кириб, ўрим-йиғим ишлари кенг кўламда бошлаб юборилади.**

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бу йил беистисно барча қишлоқ туманларида ғалла ҳосили ҳар қачонгидан мўл. Аммо, даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, дейишади асл ғаллакорлар. Демак, ҳосил тақдири, шартнома режаларининг муваффақиятли бажарилиши ғалла ўрим-йиғимига оид барча тадбирларнинг қай даражада уюшқоқлик ва жадал суръатларда амалга оширилишига боғлиқ. Биринчи навбатда, мавжуд барча дон комбайнлари мавсумга ҳар томонлама пухта созланиши ва албатта, кўрик-синовдан ўтказилиши зарур.

Чиноз тумани машина-трактор паркида мавсумга тайёргарлик ишлари деярли якунланди. 9 та «Кейс», 9 та «Магнум» ғалла комбайнлари ўрим-йиғимни бошлашга шай ҳолга келтириб қўйилган. Улар учтадан комбайн билан уч гуруҳга бўлиниб, ҳаммаси малакали оператор ҳамда аввалги йилларда тажриба орттирган комбайнчилар билан таъминланган. Суннат Тошматов, Баҳром Саидов, Умрзоқ Суяров каби моҳир операторларнинг ҳар бири бу йил камида 600 гектар майдондаги ғалла ҳосилини ўриб-янчиб беришни режалаштирган.

Барча комбайнларнинг тўхтовсиз ва юксак унум билан ишлаши, умуман, бутун мавсум давомида ўрим-йиғимда узилишлар бўлмаслиги учун уларга бевосита далаларда тезкор техник хизмат кўрсатиш мақсадида учта таъмирлов гуруҳи ташкил этилган.

Ўрим-йиғимни шундай усулда ташкил этиш ўтган йили ўзини тўла оқлади. Туман МТПси 13 та ширкат хўжалиги ва 400 та фермер хўжалиги 7155 гектар майдонда етиштирган ғаллани қисқа муддатда ўриб-янчиб берди.

— Бу йил туманимизда 7205 гектар ерда мўл ғалла ҳосили пишиб етилмоқда, — дейди МТП директори Салоҳиддин Рўзимуродов. — Бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича, ўрим-йиғим июннинг биринчи ҳафтасида бошланади. Чунки, 1035 гектардаги «Чиллаки» нав буғдой етилиб қолди. Мақсадимиз — ҳосилни бир ойга қолдирмай саранжомлаб олиш.

**Самад ЙЎЛДОШ.**



*СУРАТДА: МТП директори Салоҳиддин Рўзимуродов малакали операторлар Исроил Ҳайитов ва Муҳаммаджон Қаюмов билан тайёргарлик чизиғига қўйилган комбайнларни яна бир бор кўздан кечирмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

**Жамиятнинг муҳим ўзаги — оиланинг мустаҳкам ва барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатларга, айниқса, турмуш қураётган йигит-қизларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлишларига боғлиқдир. Ана шу мақсадда яқинда Ангрен шаҳрида пойтахт, вилоят шаҳар ҳамда туманлар ФҲДЁ бўлимлари мудирларининг сайёр семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишни вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Гулсара Исаҳонова очиб, бугунги кунда жамиятимиздаги туб янгиланишлар, ислоҳотлар ФҲДЁ ходимларига ҳам масъулиятли вазифаларни юклаётганлиги ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар хусусида гапирди.

Ангрен шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси Блухон Матаева семинар қатнашчиларини шаҳар ФҲДЁ бўлимининг иш фаолияти билан таништирди.

Иштирокчилар тадбир давомида вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги ФҲДЁ мудиралар кенгашининг иш фаолияти, Ангрен шаҳар ФҲДЁ бўлими архиви ва унинг фондининг фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш борасидаги ишларни атрофлича ўрганиб, унинг асосий сабаблари ва оқибатлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад, — деди Блухон Матаева, — иш тажрибаларимизни алмашиш ҳамда айрим муаммолар хусусида атрофлича фикрлашиб олишдан иборат эди. Аввалроқ Тошкент шаҳри, Андижон ҳамда Қўқон ФҲДЁ бўлимлари ишларини атрофлича ўрганиб, катта тажриба орттирдик ва улардан ҳозирда ўз амалиётимизда самарали фойдаланаётирмиз. Шунингдек, семинар-йиғилишда масъулиятли вазифаларни оқилона амалга ошириш йўлларини белгилаб олдик.

**Саид ҲАСАНОВ.**

*Муносабат*

## КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ — МАЪНАВИЙ БИРЛИКДА

**Биз мустақилликка тўс-тўполонлар билан эмас, балки халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва эзгу мақсадларининг маҳсули сифатида, Республикамиз Президентининг ташаббуси ва амалий саъй-ҳаракатлари туфайли эришдик. Лекин олдимизда жуда мураккаб вазифа — мустақиллигимизни асраб қолиш вазифаси пайдо бўлди.**

Барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар сабот билан амалга оширилаётган мамлакатимиздаги тинчлик ва осудаликни, юксалаётган иқтисодиётимизни кўролмаётган, мафкураси бузуқ кимсалар иродаси заиф, онги-шуури паст, маънавий қашшоқ айрим шахсларни ўз тузоқларига илинтириб, улар онгини заҳарлаб, она-Ватанига қарши қилич кўтаришдан ҳам тап тортмайдиган манқуртларга айлантириб, ўзларининг жирканч мақсадлари йўлида улардан фойдаланишга урина бошладилар.

Ёт мафкурачиларга, ғоявий бузғунчиларга қарши бизнинг зўр ғоявий қуролимиз — миллий истиқлол ғояси бор. 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар одамларимиз қалбида истиқлолий эътиқодни, миллатпарварлик, ўзлари яшаётган, аждодлари мангу ором топган табаррук юрт тупроғига нисбатан муҳаббатларини яна бир бор синовдан ўтказди. Одамларимиз ўз Президентлари билан маънавий бирлик туйғусида эканликларини намоён этдилар.

Халқимиз юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри англаган ҳолда бузғунчи террорчиларга ўз муносабатини намойиш этди. Одамларимиз уларнинг бузғунчи даъватларига қулоқ солмадилар. Ўз ғоялари — миллий истиқлол ғояларига содиқ қолдилар.

Дунёда истиқлол, дўстлик, эрк ва озодлик каби нондек табаррук, имондек муқаддас тушунчалар бор экан, улар ҳар доим қуёш янглиғ нур сочиб, одамлар қалбини эзгулик нурларига тўлдириб бораверади.

**Башорат САТТОРОВА,**
**«Маънавият ва маърифат» марказининг Пскент туман бўлими раҳбари.**

## ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

**Яқинда Андижонда юз берган мудҳиш воқеа оиламизни қаттиқ изтиробга солди. Осуда халқни ташвишга қўйиб, ғаразли ниятларини амалга оширмоқчи бўлган айрим нобакорларга нисбатан нафратимиз янада ортди.**

Мана ўқув йили ҳам тугаб, фарзандларимиз таътилга чиқишди. Бу вақтда айрим болалар ўз томорқалари, чорвалари ташвиши билан машғул бўладилар. Бекорчилар-ку, кўчадан бери келмай, тентираб, вақтларини беҳуда ўтказишади. Бундайларга нисбатан ҳар биримиз масъулиятни, сергакликни оширишимиз зарур. Доимо огоҳ бўлиб, уларни назоратдан қочирмаслигимиз лозим. Ўзимиздаги лоқайдлик кайфиятини бартараф этиб, тарбияга «Бир болага етти қўшни ота-она» қабилида баҳамжиҳатлик билан ёндошсаккина мақсадларимиз амалга ошади. Иродамиз мустаҳкам бўлсагина бизни ҳеч ким буколмайди.

Зеро, тинчлик-барқарорлик ўз-ўзидан бўлмаслиги маълум. Бугунги саъй-ҳаракатларимиз, шубҳасиз, эртанги тинчлигимиз кафолатидир.

**Эргаш АКМАЛОВ,**
**Зангиота тумани.**

# АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИГА МУНОСАБАТ

Россия Думасининг МДҲ ишлари бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **А.Билолов** Ўзбекистон ҳукуматининг кўрган чора-тадбирларига баҳо беришда шошма-шошарлик қилмаслик лозимлигини айтди. «Ўзбекистон Президенти мавжуд вазиятда ягона тўғри йўлни танлади. Шарқда заифлик кечирилмайди». У Ўзбекистонда кучли давлат ҳокимияти мавжудлигини таъкидлаб, Президент Ислом Каримов сиёсатининг аниқ мақсадга йўналтирилгани ва пухта ўйланганлигига, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг изчил ва босқичма-босқич йўли танланганлигига эътиборни қаратди.

Миср Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари **И.Саад**нинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг қатъий саъй-ҳаракатлари Андижондаги вазиятни зудлик билан назоратга олиш ва воқеаларнинг «қирғизча» сценарий бўйича ривожланиш хавфини бартараф этиш имконини берди. Мисрлик дипломат Президент Ислом Каримовнинг воқеа содир бўлган жойга шахсан етиб борганига урғу бериб, бу миллат олдидаги юксак бурч ва мамлакат тақдири учун масъулият ҳиссининг яққол далили эканлигини таъкидлади.

Қоҳира университетининг Осиё тадқиқотлари маркази директори **Х.Миткис** хоним ҳам Ўзбекистон раҳбарининг Андижон воқеаларига берган баҳосига қўшилишини маълум қилди. Х.Миткиснинг фикрича, юз берган фожиани бартараф этиш учун кўрилган чора-тадбирлар Ўзбекистон раҳбариятининг диний экстремизм ва халқаро террорчилик муаммосига нисбатан қатъий сиёсати тўғрилигининг навбатдаги тасдиғи бўлди.

Индонезия парламенти депутати **Ж.Сиддиқ** айримларнинг Андижондаги воқеаларга аҳолининг норозилиги сабаб бўлди, деб уқтириши нотўғри деб ҳисоблайди. Депутат Ғарбдаги баъзи экспертлар бераётган баҳоларга қўшилмаслигини баён қилиб, ҳар қандай террорчилик ҳаракатини, унга қандай баҳона рўкач қилинишидан қатъи назар, Индонезия жамоатчилиги номидан кескин қоралади.

АСЕАН ҳуқуқшунослар уюшмаси фахрий котиби **Радхакришнан**нинг фикрича, жангариларнинг уюшган ва шафқатсиз ҳаракатлари ушбу хуруж ижрочилари ашаддий террорчилар эканлигини кўрсатди. Унинг таъкидлашича, бундай вазиятда «жиноятчиларнинг шартлари асосида муросага келиш мумкин эмас, бунга ҳеч ким ва ҳеч қачон йўл қўймайди».

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё ва Кавказ бўлими директори **Р.Мичии** «оммавий ахборот воситалари хаёлига келганини айтиб, ўз билганича турли уйдирмалар тўқимоқда» деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у, Ўзбекистон раҳбари ўтказган матбуот анжумани муҳим ва ўз вақтида бўлганини, рўй берган фожиали воқеалар ва вазиятни ҳал этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар юзасидан анжуманда аниқ тушунтиришлар берилганини қайд этди.

Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ мамлакатлари Бош департаменти бошлиғи **М.Сафарий** Андижонда одамларнинг тинч ҳаётини бузган қуролланган жиноятчилар гуруҳининг ғайриқонуний ҳаракатларини қоралади. У Эрон Марказий Осиёда барқарорлик сақланишидан манфаатдорлигини ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлди.

Исроиллик сиёсий шарҳловчи **Я.Шаус** «Ҳизб-ут-Таҳрир» партияси матбуот котибининг, гўёки мазкур ташкилот Ўзбекистондаги воқеаларга алоқадор эмаслиги ва бу партия «тинч кураш йўли»ни танлагани ҳақидаги баёнотини танқид қилди. Шарҳловчи Андижондаги тартибсизликлар раҳбарларининг демократияни ҳимоя қилиш ҳақидаги даъволарини асоссиз, деб ҳисоблайди.

Молиявий-иқтисодий ривожланиш халқаро маркази директори **М.Межанский** Андижондаги воқеалар четдан туриб уюштирилганига ишончи комил эканини айтди. «Бироқ, мавжуд кучли ҳокимият Ўзбекистон ҳудудида шариат қонунлари амал қиладиган мамлакат ташкил этишни истовчиларнинг жиноий режалари амалга ошишига йўл қўймади, аминманки, ҳеч қачон бунга йўл қўймайди. Ўзбекистон – замонавий, мустақил ва дунёвий давлат. Унинг халқи, шакшубҳасиз, ўз Президентини қўллаб-қувватлайди».

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом **А.Пошшазода** бу тартибсизликларни бошлаган Андижон аҳли эмас, балки экстремистлар гуруҳи ва жиноятчилар вакиллари эканлигини қатъий таъкидлади. Унинг фикрича, агар аҳоли ташкилотчи бўлганида, қурол-яроғларни эгаллаш каби жиноий ҳаракатлар содир этилмаган бўлур эди. А.Пошшазода ҳокимият кучлари эмас, биринчи бўлиб жангарилар ўқ узганига, қурбонлар ҳам айнан ўша жангарилар ўқидан ҳалок бўлганига эътиборни қаратди.

Афғонистон Ташқи ишлар вазири **А.Абдулла** Токиода бўлиб ўтган матбуот анжуманида шундай баёнот берди: «Ўзбекистондаги фожиали воқеаларнинг баъзи иштирокчилари толиблар билан боғлиқ экани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Илгари бутун дунёдан АҚШга қарши курашишни истаган радикал исломийлар Афғонистонда тўпланар эди. Ҳозир бу жараён тескари тус олиб, улар дунёга ёйилиб кетмоқда. Марказий Осиёдаги барча жараёнлар, шу жумладан, Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларнинг бир учи муайян даражада Афғонистонга бориб тақалади».

Тожикистон Хавфсизлик кенгаши котиби **А.Азимов**нинг сўзларига кўра, «вақтида чора кўрилмаганда зўравонликлар бутун Ўзбекистонга тарқалиши, бутун минтақага таъсир қилиши мумкин эди». Унинг фикрича, агар Тожикистон ҳукумати 1992 йилда «Душанбеда экстремистлар тўдасининг чиқишларига барҳам беришда қатъият кўрсатиб, кескин чоралар кўрганида, беш йилга чўзилган қонли фуқаролар уруши рўй бермас эди».

Россия Федерацияси Президенти матбуот хизмати маслаҳатчиси **Ю.Леонов** «Ўзбекистон раҳбарияти барча ишни тўғри ва, энг муҳими, ўз вақтида қилганини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришга эришилди». Унинг фикрича, АҚШ ва Европа давлатларининг Ўзбекистонни кескин танқид қилишдан эҳтиёт бўлишига, кўп жиҳатдан, улар вазиятнинг қандай тус олиши ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқ тасаввур этолмаётганлиги асосий омил бўлмоқда. «Улар бу ҳудудда реакцион диний радикал оқимлар энг хавфли кучлардан бири эканини ва бу оқимларнинг асл мақсадлари мазкур давлатларнинг Марказий Осиёдаги манфаатларига сўзсиз зидлигини яхши англашади».

Франция парламенти аъзоси **Р.Блюм** Ўзбекистонда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил хорижий ташкилотлар ва «Озод деҳқонлар» партиясига ўхшаш «янги туғилган партиялар» ишидан таажжуб билдирди. Депутатнинг сўзларига кўра, «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари Францияда ҳам етиб-ортади, лекин уларга муайян муддат чидаб келишади, кейин эса улар билан адлия идоралари шуғулланади».

Р.Блюмнинг фикрича, расмий ва «мустақил» маълумотлар «бир-биридан шунчалик фарқ қиладики, буни соғлом фикр нуқтаи назаридан изоҳлаш қийин. Мустақил мамлакатда сўнгги хулосани фақат ҳукуматнинг ўзи чиқариши мумкин».

Германиянинг **«Шпигель»** журнали Бундестагдаги ГСДП фракциясининг Марказий Осиё бўйича эксперти **Й.Пфлюг**нинг интервьюсини чоп этди. Унинг фикрича, «Ўзбекистонда нотинчлик ёки фуқаролар уруши хавфи йўқ. Давлат бошқаруви масалаларига ёндашувда айрим фарқлар бўлишига қарамай, биз тушунамизки, Фарғона водийсида этник, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар йўқ эмас. Водийда бундай муаммолардан фойдаланиб кун кўрадиган диний радикал гуруҳлар ҳам бор. Биз Ўзбекистон ҳукуматини террорчиликка қарши курашда қўллаб-қувватлашга тайёр туришимиз даркор».

**«Берлинер Цайтунг»** газетаси германиялик таниқли шарқшунос олим **П.Шоль-Латура**нинг фикрларини эълон қилган. У «Ўзбекистонда тартибсизликлар бўлмайди. Чунки ҳарбийлар ва махсус хизматлар И.Каримовга ҳар доим садоқатли. Украинада бутун халқ қўллаб-қувватлаганини кузатмадик. Грузияни эса шуҳратпараст Саакашвили бошқармоқда», деган фикрни билдирган.

18 май куни исроиллик журналист **Н.Каневская** (Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Бош прокуратурасида ўтказилган матбуот анжуманлари материаллари асосида) «Решет Бет» радиостанциясида Андижон воқеалари тўғрисида эшиттириш тайёрлади. Унда, хусусан, бир қатор Ғарб оммавий ахборот воситалари тарқатган ахборотларнинг нотўғри ва нохолислиги фош қилинди. «Ўзбекистонда ислом давлати тузишни асосий мақсад қилиб олган жангариларнинг» диний-экстремистик характердаги ҳаракатлари ва шиорларига алоҳида эътибор қаратилди.

Япониянинг «Ёмури Шимбун» газетаси шарҳловчиси **Ф.Эндо**нинг фикрича, «Андижондаги каби воқеалар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ислом жангариларининг қамоқхонага ҳужум қилиши ва маҳбусларни чиқариб юбориши фактлари мазкур хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўрилганидан дарак беради».

«Маиничи Шимбун» газетасининг халқаро янгиликлар хизмати муҳаррири **Т.Фужиу** тартибсизликларга «Акромийлар» гуруҳининг алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб таъкидлайдики, «диний-экстремистик ташкилотлар қурол-аслаҳаларни қўлга киритиш ва одамларни гаровга олиш, маҳбусларни бўшатиб юбориш ва ҳокимият биноларига ўт қўйиш каби ваҳшиёна ҳаракатларга тайёргарлик кўришда, ташкил этиш ҳамда амалга оширишда бир-бири билан бевосита алоқада бўлган».

Украинанинг Глобал стратегиялар институти директори **В.Карасев**нинг таъкидлашича, «Ўзбекистондаги воқеалар «тинч демократик инқилоб» деган таърифга мутлақо тўғри келмайди. Андижон воқеаларига «сайловолди омили» аралашгани йўқ. Бундан ташқари, мазкур воқеалар тор маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, пойтахтга таъсир ўтказа олгани йўқ. Сиёсий тузум инқирози ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас». Унинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг етакчи давлатларидан бири. Бутун геостратегик тизим барқарорлигини издан чиқариши мумкин бўлган диний-радикал кучлар таҳдиди эътиборга олинганда, Ўзбекистондаги ҳозирги тузум Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга».

Россиянинг «Парламентская газета»си мухбири **Н.Лашкевич**нинг фикрича, Андижонда содир бўлган воқеалар «Президент Ислом Каримов томонидан истиқлол йилларида барпо этилаётган дунёвий давлатни барбод қилиб, Фарғона водийси ҳудудида ислом халифалигини ўрнатиш ва кейинчалик унинг таъсирини бутун мамлакатга, алал-оқибат Марказий Осиёга ёйишга бўлган уринишдир. Мамлакатда конституциявий тузумни ағдаришга қаратилган уриниш бўлгани кўриниб турибди. Ҳукумат кўрган қатъий чора-тадбирлар ўзини оқлайди ва буни тушуниш мумкин. Бунда асосий айб фожиали воқеаларнинг ташкилотчилари зиммасига тушади. Улар ҳаракатларининг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳаракатлар бошида қўлида автомат тутган экстремистлар турганининг ўзиёқ, демократия тарафдори бўлган ҳар қандай кишини сергак торттиради. Агар Ўзбекистонда диний-радикал кучлар ғалаба қозонганида, Россиянинг жанубий ҳудудларида ўзига хос «Толибон» пайдо бўларди. Чунончи, Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳам буни алоҳида қайд этди. Буни АҚШда ҳам жуда яхши тушунишади. Шунинг учун улар бу мамлакатда гўёки инсон ҳуқуқлари поймол қилингани ва зўравонликлар ҳақида ўзлари хоҳламаган ҳолда гапириб, давлат муассасаларининг қуролли йўл билан қўлга олинганини қаттиқ қораламоқда».

**ЎзА.**

«Пилла — 2005»

# ҲАР ЙИЛГИДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ

Бекобод, Чиноз, Оққўрғон туманлари хўжаликлари ҳар йилгидек, пилла теримини барвақт бошлаб бердилар. Ҳозирги кунгача ўндан зиёд ширкат хўжалиги шартнома режасини бажаришга улгурди. Хусусан, Бекобод туманидаги Улуғбек номли, «Бекобод», Чиноз туманидаги «Дўстлик», Навоий номли, Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари шартномани анча ортиғи билан бажарди.

Оққўрғонлик пиллакорлар эришаётган натижалар хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Ўтган йили туманда шартномадаги 80 тонна ўрнига 98 тонна сифатли хом ашё тайёрланиб, режа 122,5 фоиз қилиб адо этилганди. Бу мавсум қулай об-ҳаво шароитидан самарали фойдаланган туман пиллакорлари ҳар йилгидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришдилар.

Мавсумда 1465 хонадонда 1750 қути қурт уруғи парвариш қилинди. Туман бўйича пиллакорларга 22 миллион сўм бўнак пули тарқатилди. 257 гектар тутзор ҳамда қарийб 170 минг туб якка тут дарахтидан иборат озуқа базасидан расамади билан фойдаланиб, ҳосилнинг эрта пишиб етилиши таъминланди. Шунингдек, туман пиллахонасига ҳар куни келтирилаётган ўртача 20 тонна хом ашёнинг 85-90 фоизи юқори навларга қабул қилинмоқда.

Бугунги кунгача туманда шартнома режасининг 60 фоизидан ошириб кумуш тола тайёрланди. Ҳар қути қурт уруғидан олинаётган ўртача ҳосил 60,1 килограммданга тўғри келаётир. Туман миқёсида бундай ҳосилдорликка эришиш тахсинга лойиқ, албатта.

«Қаҳрамон» ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари шартнома режасини туманда биринчи бўлиб уч иш кунида бажаришга эришди. «Ўзбекистон» хўжалиги пиллакорлари қабул пунктларига 31 май ҳолатига режадаги 6400 килограмм ўрнига 7667 килограмм, «Қаҳрамон» хўжалиги аъзолари эса 6500 килограмм ўрнига 7125 килограмм хом ашё топширдилар.

Мавлуда Бобожонова, Аширгул Нодирова, Бурхон Алибоев сингари тажрибали пиллакорлар ҳар қутисидан 84-91 килограммдан ҳосил олдилар. Бу нафақат «Қаҳрамон» хўжалиги, балки, туманда ҳам энг юқори кўрсаткичдир.

Режа бажарилган бўлсада, ҳар икки хўжаликда пилла терими жадал давом этмоқда.

Вилоят бўйича 31 май ҳолатига 272,9 тонна ёки шартнома режасининг 23,9 фоизи миқдорида пилла тайёрланди. Кунига қабул пунктларига 80 тоннадан ошириб кумуш тола топширилмоқда. Эрта-индин Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларида ҳам пилла терими бошланса, суръат янада тезлашади, албатта. Энг муҳими — вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 58 килограммданга тўғри келмоқда. Бу ҳар йилгидан юқоридир.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Айниқса, кейинги йилларда пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, янги тутзорлар барпо этиш ва якка тартибда тут кўчатлари экишга жиддий эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу йил вилоятда 300 гектардан зиёд янги тутзорлар барпо этилди, якка тартибда 394,1 минг туп тут кўчатлари экилди. Айни пайтда вилоят бўйича 7 миллион 175 минг тупдан зиёд якка тут ҳамда 2723,4 гектар тутзорлар мавжуд бўлиб, бу парвариш мавсуми учун етиб-ортади.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш, агротехник шарт-шароитларни мукаммал яратишни таъминлашдан ташқари пиллакорларни рағбатлантириш юзасидан амалий чоралар кўрилаётганлиги туфайли ҳар йили пилла етиштириш шартнома режалари ортиғи билан бажарилмоқда. Жумладан, бу йил ҳам беистисно барча хўжаликларда 1140 тонна хом ашё тайёрлаш юзасидан тузилган шартномаларни ортиғи билан қоплайдиган даражада мўл ва сифатли кумуш тола етиштирилди. Бунда жойларда етиштирилажак пилла қийматининг 30 фоизи миқдоридаги бўнак пули мавсум олдидан тарқатилганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

● Конференция

# DOTS дастури доирасида

**Тошкент туманидаги вилоят силга қарши курашиш диспансерида касалликнинг олдини олишда DOTS дастурининг республикамизда олиб бораётган ишлари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Марказий Осиё силга қарши кураш диспансерлари бош шифокорлари иштирок этди.

— Шифохонамиз 2002 йилда вилоят силга қарши кураш диспансерига айлантирилган, — дейди диспансер бош шифокори Абдувоҳид Содиқов. — Ўша йили DOTS дастури бўйича Германиянинг KFW банки вилоятимизга 1 миллиард 330 миллион сўм пул ажратган эди. Биз бу пулга шифохона учун замонавий асбоб-анжомлар, турли дори-дармон воситалари харид қилиб, биноларимизни тўлиқ таъмирдан чиқардик. Айни кунда диспансеримиз 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5 та даволаш ва 1 та урогенетал бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йиллари бу хасталикни даволашда бирмунча муаммолар бор эди. Ҳукуматимизнинг Жаҳон силга қарши кураш ташкилоти билан тузган шартномаси натижасида республикамизда силга қарши кураш диспансерлари замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланиб, дори-дармонлар билан таъминланди. Ҳозирга келиб муаммолар тўлиқ ҳал этилди.

Конференция қатнашчиларига Жаҳон силга қарши кураш ташкилотининг Ўзбекистондаги вакиллари томонидан ўқув машғулот ўтказилди.

— Ҳозир республикамизда сил хасталигини даволаш учун барча шароитлар етарли, — дейди республика DOTS маркази директори Абдулла Йўлдошев. — Афсуски, касалларнинг аксарияти муолажаларни охиригача олмайдилар. Натижада орадан маълум вақт ўтгач, касаллик қайта хуруж қилмоқда. Хусусан, марказимиз томонидан аҳоли ўртасида сил хасталиги бўйича текширув ўтказилиб, касаллар аниқланади ва йўлланма билан шифохоналарга жўнатилади. Бироқ, кейинчалик уларнинг тақдири билан қизиққанимизда шифохонага бормаганликларининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун аҳоли ўртасида кўпроқ тушунтириш ишлари олиб бориб, хасталикнинг оғир оқибатлари ҳақида одамларга маълумот беришимиз зарур.

**Камолиддин АСҚАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

● Таълим ва ислоҳот

# ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА ЎЗГАРИШ БОР

**Мамлакатимизда таълимга тобора кўпроқ эътибор қаратилаётир. Айниқса, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.**

Мазкур жараён қанчалар самарали кечаётганини Ангрен педагогика коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳозирдан бошлаб юборилган. Жумладан, таълим сифати ва самарадорлигини кўтаришга аҳамият берилмоқда. Кадрлар сафи малакали мутахассислар билан мустаҳкамланмоқда. Ўқитувчилар аттестациядан ўтказилиб, уларнинг малакалари оширилаётир.

Коллежда спортга бўлган эътибор туфайли талабалар бир қанча ютуқларга эришмоқдалар. Чирчиқда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида талабалардан Шерали Жўраев, Фарид Рўзиев фаол қатнашиб, вилоятимизнинг мазкур мусобақалардаги муваффақиятли иштирокига муносиб ҳисса қўшдилар. Шунингдек, енгил атлетика бўйича Олеся Южакова, Александр Пашковский, каратэда эса Фарҳод Холмирзаев, боксда беш марта Ўзбекистон чемпиони бўлган Азамат Қулжонов, Омон Каримов вилоятимиз терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.





*СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.*
**Муаллиф олган суратлар.**

Айни вақтда коллежда 20 та фан ва спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Шунингдек, коллежда жорий йилнинг иккинчи ярми учун «Тошкент ҳақиқати» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига обуна ташкил этилмоқда.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

Нуқтаи назар

# ХАТАРДАН ХОЛИ БЎЛГАН МАЪҚУЛ

**Тоғ дарёлари ўзанларида тўсатдан юзага келувчи сув оқимлари турли жинслар билан аралашган ҳолда сел ҳосил қилади. Бунга тоғли жойларда кўп миқдорда ёғин ёғиши, қор ва музликларнинг жадал эриши, сув ҳавзаларининг тошиб кетиши сабаб бўлади. Жуда катта кучга эга бўлган бу оқим йўлида учраган иншоотларни, йўл, кўприк ва тураржойларни вайрон қилади, катта майдонларни лой, қум, тош билан кўмиб ташлайди.**

Сел офатининг қачон ва қай вақтда, қандай куч билан келишини олдиндан айтиш анча мушкул. У халқ хўжалигига путур етказадиган табиий офат бўлиб, ҳар йили бутун дунёдаги минглаб кишиларни бошпанасиз қолдирмоқда ва катта иқтисодий зарар келтирмоқда.

Республикамизда сел оқимларининг 80 фоизи апрель-июнь ойларига тўғри келади. Ҳозирги пайтда сел хавфи мавжуд дарё ҳавзаларининг майдони 46 минг квадрат километрни, жумладан, сел йиғиладиган майдонлар — 27,3 минг квадрат километрни ташкил этади. Фарғона водийси, Тошкент вилояти ҳудудларида сел оқимлари тез-тез кузатилади. Юзага келадиган оғир оқибатларнинг сабабларидан бири — сел хавфи мавжуд ҳудудларда муҳандислик муҳофазасига асосланмаган ҳолда иншоотлар барпо этилишидир. Ҳозирги пайтда жойларда 90 дан ортиқ аҳоли манзиллари, 419 хўжалик, 100 га яқин соғломлаштириш ва саноат иншоотлари, шунингдек, 25 минг гектардан зиёд экин майдонлари жойлашган.

Кейинги пайтда 5 мингдан ортиқ аҳоли ва бир неча мактаб сел тошқини хавфи бўлган ҳудудлардан хавфсиз жойларга кўчирилди. Аҳолини муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор вилоятлардаги сой, сел, кўчки ва бошқа хавфли жойларга олиб борувчи йўлларда алоқа воситалари билан жиҳозланган 74 та кузатув масқани ташкил этилди. Бу жойларда Ички ишлар ва Фавқулодда ҳолатлар вазирликларининг уч юзга яқин ходимлари кузатув олиб бормоқда. Улар зарур анжомлар билан таъминланган.

Хўжалик фаолияти, саноат-фуқаро бинолари, ижтимоий-маиший ва маданий мақсадлардаги иншоотларни қуриш қатъий чекланган қирғоқолди ҳудудларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор ижроси изчил назоратга олинган. Афсуски, Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон, Сирдарё ва бошқа дарёлар қирғоқлари бўйлаб бевосита кенглиги 100 метрдан 300 метргача бўлган қўриқлаш зонасида юзлаб тураржой бинолари, дам олиш ва ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилган. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, уларга доимо сел-тошқин хавфи таҳдид солади. Тошкент вилоятидаги 27 хўжалик ва 10 та иншоот шулар жумласидандир. Бу муаммолар ечимини топиш чораларини кўриш кўп миқдордаги иқтисодий зарарларнинг олдини олишга, юртдошларимиз ҳаётининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**М. МАҲМАДАЛИЕВА.**


Ангрен педагогика коллежи

2005-2006 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

9-синф ҳажмида грант
1. Бошланғич синфларда таълим-тарбия. Ўқиш муддати 3 йил.
2. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия. Ўқиш муддати 3 йил.
3. Мактабгача таълим. Ўқиш муддати 3 йил.

11-синф ҳажмида тўлов-контракт асосида кундузги бўлимга
1. Бошланғич синф ўқитувчиси. Ўқиш муддати 1 йил 10 ой.
2. Жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ўқиш муддати 1 йил 10 ой.
3. Ҳуқуқшунослик. Ўқиш муддати 1 йил 10 ой.

11-синф ҳажмида тўлов-контракт асосида сиртқи бўлимга
1. Бошланғич синф ўқитувчиси. Ўқиш муддати 2 йил 10 ой.
2. Жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ўқиш муддати 2 йил 10 ой.
3. Ҳуқуқшунослик. Ўқиш муддати 2 йил 10 ой.
4. Мактабгача таълим. Ўқиш муддати 2 йил 10 ой.

Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 17-уй.
Телефонлар: (8-37166) 2-54-40, 2-52-23, 2-31-84, 2-40-78.

● Шеърият

## КЎКСИ ОСМОНИМ...

*Асрлардан омон, бешикаст ўтиб,*
*Чарчоқ нима билмай, олға интилиб,*
*Шу улуғ онларни зориқиб кутиб,*
*Ҳурликка интилган буюк карвоним —*
*Машҳури жаҳоним, Ўзбекистоним!*

*Миллатим шаънини этиб сарбаланд,*
*Ўз туғи-тамғасин кўтариб баланд,*
*Қон-қардошлик ипин боғлаб то абад,*
*Орзуси ушалган кўкси осмоним —*
*Тилларда достоним, Ўзбекистоним!*

*Соз айлаб, эъзозлаб, ўз манзилини,*
*Юракда асраган она тилини.*
*Бало-қазолардан сақлаб элини*
*Тинчлигиустивор собит қўрғоним —*
*Буюк республикам, Ўзбекистоним!*

Алижон АЗИМОВ.

## ЎЗБЕК ҚИЗИ

*Гулларни уялтиргай юзларинг, ўзбек қизи,*
*Чўлпон юлдузими, айт, кўзларинг, ўзбек қизи.*
*Қолдим оташ ичида, севгим сиғмас ичимга,*
*Жонимга жон бағишлар сўзларинг, ўзбек қизи.*

*Чиройинг ойдин эрур гар сутга солиштирса,*
*Ой хижолат тортадур ёнингдан қараб ўтса.*
*Кўзларни қамаштирар чаман аро жамолинг,*
*Қиёсингни тополмас ошиқлар олам кезса...*

*Ҳурларнинг ҳури ўзинг, инжунинг дури ўзинг,*
*Жисмимга куч берувчи қуёшнинг нури ўзинг.*
*Мен Мажнуни бечора, сен эса Лайли малак,*
*Муҳаббат оловининг ёндирган қўри ўзинг.*

*Интизорман васлингга, ташнаман рухсорингга,*
*Ҳижрон занжирин узиб, ошно эт дийдорингга.*
*Кўнглимга тўлиб армон, ўртаниб оҳ урарман,*
*Ишқ ясар дурдан безак дилнома ашъоримда.*

*Жаҳондаги барча қиз беҳишт ҳурларисимон,*
*Миллат танламагайдир иффату ҳусни-жамол.*
*Ғалат ўйлар сурмангиз мақтасам ўзбек қизин,*
*Халқининг шаънин куйлар Абдуғани Сулаймон.*

Абдуғани СУЛАЙМОН.

## САМИРНИНГ ШЕЪРИ

*Оқ лайлагу турналар,*
*Менинг азиз қушларим.*
*Сиздек тоза, соф эди*
*Орзу, хаёл, ишларим.*

*Мени ташлаб фироққа,*
*Узоқларга кетмангиз.*
*«Қур-қур»лашиб осмонда,*
*Мени фиғон этмангиз.*

*Парвоз қилиб тепамда,*
*Орзу қасрин қулатманг.*
*Учолмайман сиз билан,*
*Ортиқ мени йиғлатманг.*

*Олиб кетинг бирга сиз*
*Дилимдаги сўзларим.*
*Яна қайтинг, куттирманг*
*Сизни суйган кўзларим.*

Аъзам АЗИМОВ.

● Санъатимиз дарғалари

## УМР МАЗМУНИ



**Театрга янги келган кезларим фойеда бу одамни кўриб, очиғи «Ё тавба, Муқимий номли театрда Шукур Бурхонов нима қилиб юрибдилар», деб юборганман. Яқинроқ бориб, устознинг қўлларини олмоқчи бўламан. Важоҳатларидан ҳайиқаман. У киши жим. Бир пайт жарангли кулгу янграйди: «Боиржон, мени танимадингизми?»**

Менда оз-моз иккиланиш пайдо бўлади-ю, кимлигини танимайман.

— Яқинроқ келинг, болам. Мен Файзулла Аҳмедовман, — дейди у киши. Сўнгра қаҳ-қаҳ отиб куладилар. Мени қучоқларига тортадилар. Ҳайратимни яширолмай, устага юзланаман:

— Устоз, тавба қилдим-у, аммо, Шукур Бурхоновнинг ўзисиз-а?

— Ҳа, болам, Шукур акам ҳам шунақа деганлар...

Талабалик йилларимдаёқ, Муқимий номли театр саҳнасида бу табаррук, камтарин, меҳнаткаш актёрнинг ролларини кўп кўрганман. Тақдир тақозоси билан бирга ишлаяпмиз. Устанинг оғир, босиқ, етти ўлчаб, бир кесишлари менга жуда маъқул келади. Роллари ҳам салобатли, залворли, гапирганда томошабинни ҳаяжонга соладиган отахон актёрни кўп кузатганман.

— Муқимийда чидаган ишлайди, ўғлим, — дейдилар салмоқлаб. — Тупроғи оғир. Лекин бу табаррук саҳнамизнинг гардини ялаган санъаткор — камоли улуғ бўлади.

Файзулла ака Аҳмедов театрнинг иссиқ-совуқ кунларига бардош бериб, фидойилик билан саҳнадан эзгуликни тараннум этиб келаётган санъат дарғаларидан десам муболаға бўлмайди. Чунки, кўп ва хўп ранг-баранг, турли характердаги образлар галереясини аллақачон яратиб қўйган бу тиниб-тинчимас уста санъаткор радиода дейсизми, телевидениеда чиқишлар дейсизми, кинодаги дубляж дейсизми, ҳамма ижодий жараёнларда ҳозиру нозир. Айниқса, дубляждаги фаолиятларини алоҳида таъкидлагим келади. Ҳар қандай актёр ўйнаган ролни дубляж қилсалар — худди ўша актёр ўзбекча гапиргандай қилиб ўзбек тилига ўгирадилар.

«Агар билсангиз — ўзбек дубляжи қўшни давлатлар ичида биринчи ўринда юрарди. Ҳатто, Россия актёрлари, биз қилган дубляж фильмларни кўриб тан беришган. Мана мисол учун Ҳамза Умаров дубляж қилган фильмларини эсланг... «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» бадиий фильмида икки хил овоз берганлари ахир катта маҳоратку», дейдилар Файзулла ака, фахрланиб.

— Уста, сиз бақувват драматик актёрлардансиз. Нега энди айнан Муқимий театрида фаолият олиб бораяпсиз, — сўрайман ундан. — Ахир мусиқий театр драматик театрлардан анча қийин-ку? Ҳар ҳолда драматик ҳолат билан биргаликда ария-дуэтларни ҳам ижро этиб, уларни ҳамоҳанг олиб бориш мушкулроқку?

— Ҳа, балли. Муқимий театри мусиқий театр. Ягона миллий театр. Ўзбекча театр. Ўзбегимиз қайғуда ҳам, бахтли онларида ҳам куйлайди. Мен ҳам ўзбекман-да, — дейдилар дўппиларини тўғрилаб. Эркалик қилиб, мақтаниб ҳам қўядилар: — Муқимийда кичиккина роль ўйнаган ҳар қандай ёш актёр ҳам драматик театрларда бемалол бош қаҳрамонларни ўйнай олади. Аммо, драматик актёр сифатида бош қаҳрамонни ўйнаган актёр бизнинг мусиқали асарларимизда кичик эпизодни ҳам ўйнолмаслиги мумкин.

Мана ярим асрдан ортиқ умримни, фаолиятимни шу муқаддас даргоҳга бағишладим. Бундан сира-сира афсусланмайман. Аксинча, бошим баланд, юрагим тўла ғурур. Ўзбекистон халқ артистиман. Бола-чақали, невара-чеваралиман. Ҳаммаси тинч-омон. Театрим бор. Камтарин жамоамиз бор. Сизларга ўхшаган шогирдларим бор. Эрталаб шошилиб чиқаман — театримга, ишхонамга шошаман. Кеч бўлиши билан уйга ошиқаман. Бола-чақам, набираларим кутишади. Шунинг ўзи мен учун олий бахт-ку.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ.

● Шундан кейин

### БОЗОР МУҲОФАЗАСИ

Хитой шу йил 1 июндан бошлаб текстил маҳсулотларининг 79 тоифаси учун экспорт тўловларини бекор қилди. Бу тўловлар йил бошида экспорт квоталари олиб ташланиши муносабати билан амалга татбиқ этилганди. Сўнгги янгиликка жавобан Европа Иттифоқи Пекин икки ҳафта мобайнида текстил ва кийим-кечакларни хорижга жўнатиш қўламини чеклашга уринмаса, шунга яраша чоралар қабул қилиниши билан таҳдид қилмоқда.

### ОНГЛИ МАВЖУДОТ ИЗЛАБ

Ердан олисдаги онгли мавжудотни топиш мақсадида изланаётган SETI лойиҳаси қатнашчилари радиотелескопларнинг янги тармоғи кўмагида синов кузатувлари туркумини ўтказди. Allen Telescope Array 360 минг метр квадрат ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг ташкилотчиларига 35 миллион долларга тушган.

### СУРАТИДАН ТАНИДИ

Буюк Британиянинг Кент графлигидаги шифохоналардан бирида икки ойдан бери ётган нотаниш пианиночининг кимлиги ойдинлашяпти чоғи. Бир оғиз гапирмаётган бу одамнинг пианино чалганини кўриб, у мусиқачи бўлиши мумкин дея тахмин қилинаётганди. Бу одам фотосуратини кўрган чехиялик барабанчи Клаудиус Кристин ёшликда ўзи билан бирга рок-гуруҳда чолғу чалган одамни таниганини айтмоқда. Кристиннинг айтишича, бир неча йил кўрмаганига қарамай, у Томаш Стрнадани дарҳол таниганмиш.


Сирғали туманидаги 47-мактаб томонидан 1994 йилда Маркелов Сергей Владимирович номига берилган А 538784 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл туманидаги 48-ўрта мактаб томонидан 1981 йилда Ишигов Кибар Хусеинович номига берилган А 680248 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную в 2003 году лицензию на право трудовой деятельности ЧФ «Табиат» на гражданина Турции Режаи Гекоглу, выданную агентством по вопросам внешней трудовой миграции Министерства труда РУз,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Олмалиқ шаҳридаги 18-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Сон Артур Владимирович номига берилган O'R-B 057351 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси қўмита раиси Турғун Иргашевич Иргашевга рафиқаси

**Лола ЖЎРАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

**Чиноз туманидаги 45-умумтаълим мактабида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кун муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди.**

Унда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илиқ сўзлар айтилди, унинг шеърларидан намуналар ўқилди. Айниқса, ўқувчилар томонидан шоир каламига мансуб қўшиқлар маромига етказиб куйлангани иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Озод МАЪМУРОВ.

## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

**Юқоричирчиқ тумани Жамбул ўйингоҳида туман ёшлари ўртасида футбол бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Унда маҳаллалардаги 17-28 ёшдаги ўсмирлар баҳслашди.**

Учрашувни «Маҳалла» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ташкил этди. Ўзаро кескин ўтган беллашувларда «Кангли-1» жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди. «Қоратухум» ва «Кангли-2» жамоалари иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Ғолиб жамоалар ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан совғалар билан тақдирланди.

Гўзал АБДУЛЛАЕВА.

## СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

**Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактабида бундан йигирма йил аввал битирган ўқувчилар учрашуви бўлиб ўтди.**

Собиқ синфдошлар ўзларининг жонажон мактабларига ташриф буюриб, устозлари билан ширин суҳбат уюштирдилар. Ўқувчилик даврларида юз берган қизиқарли воқеаларни эслаб, ўтган ўқитувчиларнинг хотирасини ёдга олдилар.

Шунингдек, улар мактаб кутубхонасига халқимизнинг севимли шоир ва ёзувчилари ҳамда чет эл адибларининг ноёб асарларини тақдим этдилар. Бу адабиётлар лотин алифбосида чоп этилган бўлиб, ўқувчилар учун қимматли совға бўлиши шубҳасиздир.

Башорат САТТОРОВА.

## ЭГРИ ТИРГОВИЧ...

(Ҳажвия)

Бир куни ишдан одатдагидан анча эрта қайтдим. Бундан уйдагилар ҳам хурсанд. «Сизни ҳам кун ботмасдан кўрар кунимиз бўлар экан-ку», деган пичинглар ҳам бўлди. Ҳеч нимага парво қилмай, уйга кириб, ёнбошладимда, рангли суратларга бой хориж журналини варақлай бошладим. Ишдан бунчалик эрта қайтганим учун бу ҳолатга ўзим ҳам кўника олмасдим. «Қани бир синаб кўрайчи, ишхонада нима гап экан» деган хаёл билан гўшакни олиб рақамларни тердим.

— Алло, эшитаман, — деди нариги томондан Қўзиев.

— Кечирасиз, менга Эшматов керак эдилар, — дедим товушимни бир оз ўзгартириб.

— Биласизми? Эшматов ҳозиргина ташқарига чиқувдилар. Сал туриб қўнғироқ қилинг, келиб қоладилар.

— Майли, бироздан кейин қўнғироқ қиламан, — дедим-у, гўшакни қўйдим.

Яхши, менимча танимади. Бироздан кейин яна рақамларни тердим. Бу сафар мулойимроқ товушда гапирдим.

— Алло, Эшматовни чақириб беролмайсизми? Кеча шу вақтда қўнғироқ қилинг, деган эдилар. Илтимос, иложи бўлса.

— Жоним билан чақириб берардим-у, раҳбаримиз у кишини шошилинч чақириб қолдилар.

— Қачон бўшаркинлар, билмайсизми?

— Бир нарса дейиш қийин. Жиддий масала бўлса узоқ қолишлари мумкин.

— Кейинроқ қўнғироқ қилсам бўладими?

— Бемалол, хоҳлаган вақтингизда қўнғироқ қилаверинг.

Бу гал ҳам танимади-ёв. Яхши, ўртоқ Қўзиев. Дўст деган шундай бўлиши керакда. Энди иш тугашидан олдинроқ қўнғироқ қилдим. Бу сафар сал дағалроқ, озроқ жаҳл билан гап бошладим.

— Ким бу?

— Мен Қўзиевман.

— Менга Эшматов керак.

— Ким сўраяпти?

— Кимлигимни суриштириб нима қиласиз, унда жуда зарур ишим бор. Зўдлик билан чақириб беринг.

— Мени кечирасиз, ўртоқ Эшматов бугун бўлмайдилар.

— Нимага бўлмас экан, ҳали иш вақти тугагани йўқ-ку. Сизларда тартиб, интизом борми ўзи?

— Бугун Эшматовнинг битта-ю битта жиянлари тўй қилаётган экан. Сал эртароқ бориб турмасам бўлмайди, ахир, катта тоғаман, деб бошлиқдан жавоб сўраб, ҳозиргина кетувдилар.

— Шунақа денг. Бўлмаса эртага ишга келган заҳоти менга қўнғироқ қилсин. Унинг иши учун югуриб юришга тоқатим йўқ. Шуни айтиб қўйинг, яхшими?

Гўшакни жойига қўйдим-у, кўнглим бироз таскин топди. Чунки, бугунги иш куни ниҳоясига етган эди. Эртасига анча барвақт ишга бордим. Сигарета тутунидан димиққан хонани шамоллатиш учун деразаларни очдим. У ёқ-бу ёқларни тартибга келтирдим. Шу пайт хонага Қўзиев кириб келди.

— Ҳа, ўртоқ Эшматов, кайфиятлар яхшими? Кеча сизни мингта одам сўраб қўнғироқ қилдида.

— Кимлар экан, билмадингизми?



— Қаёқда, дейсиз. Эркаги ҳам бор, аёли ҳам. Лекин биттаси жуда дўқ қилди. Сизни ишингиз учун югуриб юришга тоқати тоқ бўлибди. Хуллас, манави телефонга қўнғироқ қилишингизни сўради. Лекин жуда асабий эди.

У шундай дедида, қўлимга телефон рақами ёзилган қоғозни тутқазди. Рақамга қарадим-у, мулойим жилмайдим. Чунки, бу рақамлар уй телефонимники эди. Демак, танимаган, баракалла. Дўст деган шундай бўлади. Бугун улар мени ҳимоя қилишди. Навбати билан мен уларни ҳимоя қиламан...

Асрор СУЛАЙМОНОВ.


«ASL OYNA» ОАЖ

## 09 — МУҲИМ ФАКТ БЎЙИЧА БИЛДИРИШ

**«ASL OYNA» очиқ акциядорлик жамиятининг 2004 йилги фаолияти якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2005 йил 28 майда Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уйнинг мажлислар залида ўтди. Йиғилишда 4000 дона ёки 80 фоиз овозга эга бўлган акциядорлар қатнашди.**

**Мажлиснинг кун тартибидаги масалалар бўйича бир овоздан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:**

1. Кузатув кенгаши раисининг 2004 йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.
2. «ASL OYNA» акциядорлик жамияти бошқарувининг 2004 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва 2005 йилги бизнес-режаси тасдиқлансин.
3. Акциядорлик жамиятининг 2004 йилги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари ҳамда 2005 йилги харажатлар сметаси тасдиқлансин.
4. Акциядорлик жамиятининг 2004 йил учун дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби тасдиқлансин.
5. Акциядорлик жамиятининг 2004 йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.
6. Акциядорлик жамиятининг 2004 йилдаги фаолияти бўйича ташқи аудитор хулосаси тасдиқлансин.
7. Акциядорлик жамияти қайта тузилиб, масъулияти чекланган қўшма корхонага айлантирилсин ва эмиссия рисоласи бекор қилинсин.
8. 8-чидан 13 га қадар масалалар муҳокамаси янги тузилган жамият таъсисчилари йиғилишига ҳавола қилинсин.

## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

| Автотранспорт воситасининг русуми | Бошланғич нархи | Кимошди савдоси ўтказиладиган жой | Кимошди савдоси ўтказиладиган вақти | Автотранспорт воситаси сақланаётган жой | Автотранспорт воситасининг техник ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| «КАМАЗ-5511» 1991 й. и/ч. | 1.350.000 сўм | ЖИБ Пскент туман суди | 04.07.2005 йил соат 10.00 | Пскент туман «Ўзбекистон» ш/х | Техник носоз ҳолда |
| «КРАЗ-258Б» 1991 й. и/ч. | 750.000 сўм. | ЖИБ Пскент туман суди | 04.07.2005 йил соат 10.00 | Пскент туман «Ўзбекистон» ш/х | Техник носоз ҳолда |

Кимошди савдосида қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда (10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) дастлабки тўловни туман суд ижрочилари бўлинмасининг Пскент АТ «Пахтабанк»даги МФО 00472, ИНН 201122997, 20204000500101008102 депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатлар қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тўхтатилади.

**Маълумот учун манзил:**
**Пскент туман суд ижрочилари бўлинмаси.**
**Телефон: (8-254) 52-132.**

## «Тошкент вилояти автосаройи» АЖ

### йиллик ҳисобот-мажлиси қарори асосида

### Муҳим фактлар тўғрисида маълумотнома тартиб рақами — 05, 09, 10.

**1.** Акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2004 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

**2.** Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

**3.** Акциядорлик жамиятининг 2004 йил фаолияти бўйича йиллик ҳисобот, баланс, тафтиш комиссияси ва аудитор хулосалари тасдиқлансин.

**4.** Соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд миқдори тасдиқлансин:

— соф фойда — 6806,8 м. сўм
— заҳира фондига — 340,34 м. сўм
— ишлаб чиқаришни ривожлантиришга — 3403,4 м. сўм
— дивидендларга ажратилган фойда — 3063,6 м. сўм
— битта акцияга дивиденд миқдори — 34-73 сўм

**5.** Ибрагимов Ф.И., Раимжонов Б. — АЖ кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

**6.** Муракаев И.Ф. ва Тоиров А.А. — АЖ кузатув кенгаши таркибига киритилсинлар ва қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

— Грингауз В.М. — «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари;
— Муракаев И.Ф. — «Ўзбекинвест сармоялари» инвестиция компанияси вакили;
— Тоиров Д.А. — «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси мутахассиси;
— Юзбеков А.Ф. — Олмалиқ автосаройи ёқилғи қуювчиси;
— Мирзааҳмедов З.М. — Олмалиқ автосаройи бош таъминотчиси;
— Абдумуталова М. — Келес автосаройи ходимлар бўлими бошлиғи;
— Мингазова Ф. — Келес автосаройи мутахассиси.

**7.** Вахобова Н. — АЖ тафтиш комиссияси таркибидан чиқарилиб, унинг таркибига Миргапиров М. киритилсин.

**8.** 2005 йилга бизнес-режа тасдиқлансин.

**9.** 2005 йилга жамият аудитори этиб «АММ-Avtoaudit» хусусий фирма бошлиғи Хорошев С.П. тасдиқлансин.

**10.** Акциядорлик жамияти ва унинг раисининг 2004 йил якунлари бўйича фаолияти қониқарли деб топилсин.

**11.** Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ш.С. Сайдалиев билан меҳнат шартномаси 2005 йилга узайтирилсин.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-545. Адади 5607. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 23.15. Босишга топширилди – 22.00. 2 3 4 5 6